

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ БАНКЛАРИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ**

**N.Эрназаров**  
ТДИУ “Банк ҳисоби ва аудити”  
кафедраси доценти

**Аннотация.** Иқтисод тараққиётининг замонавий босқичида дунё мамлакатларида жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган Ислом молия тизимига бўлган қизиқиш тобора ривожланиб бормоқда. Мазкур мақолада ислом банкларини ташкил этишнинг муҳим зарурий жиҳатлари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сузлар.** Ислом банки, анъанавий банк операциялари, мушорака, мудораба, муробаҳа, ижор, ижор ва иқтино, закот, Ал-Қард ал-Ҳасан, жорий ҳисоб, кредит ҳисоби, инвестицион ҳисоб.

Иқтисод тараққиётининг замонавий босқичида дунё мамлакатларида жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган Ислом молия тизимига бўлган қизиқиш тобора ривожланиб бормоқда. Янги исломий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “... мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақтсоати етиб келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа ҳалқаро молия ташкилотлари эксперtlари жалб этилади<sup>1</sup>”, деб таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда ислом банкларида анъанавий банк операцияларининг деярли барчаси, яъни депозит, кредит, аккредитив, ҳисоб-китоб, тўлов операциялари амалга оширилади.

Бугунги кунда жаҳоннинг 40 дан зиёд мамлакатида ислом банклари фаолият юритмоқда. «**СарИа...**» ҳалқаро банклар рейтинг агентлигининг 2000 йил маълумотларига кўра, ҳозирда ислом банкларининг активлари 160 млрд. доллардан ошиб қетган. Классик ғарб банк тизими ўзига хос инқирозни бошидан кечираётган бир пайтда шариат аҳкомлари асосида муваффақият билан иш юритаётган нисбатан ёш банклар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Банкир ва олим Крис Барлтон ўзининг «Ривожланаётган бозорлардаги банклар» асарида ислом банклари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилган. Унинг таҳлилига кўра ислом банклари капитали

<sup>1</sup> . Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - <https://president.uz/uz/lists/view/4057>. 2020 йил 29 декабрь.

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

йилига 10—15 фоиз суръат билан ўсмоқда. Бу эса молия соҳасида жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Бугунги кунда ислом банкларида анъанавий банк операцияларининг деярли барча операцияларини амалга ошироқда. Улар саноат, аграр сектор, тижорат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига катта маблағлар инвестиция қилмоқда.

Мазкур банклар қуйидаги тамойиллар асосида фаолият юритади.

**1. Мушорака**— шерикчилик асосида, яъни банк ва тадбиркор томонидан лойиҳани биргалиқда амалга ошириш.

Ислом банкларида амалга ошириладиган банк операцияларининг мушорака турида банк молиялаштиришдан кўзлаган мақсад муайян фоиз олиш эмас, балки олиниши керак бўлган фойдада иштирок этишдир.

**2. Мудораба**— ишонч асосида молиялаштириш. Ушбу банк операцияси турининг моҳияти шундаки, бунга кўра томонларнинг бири сармоя қўювчи ва иккинчи тараф иш юритувчи сифатида фаолият юритади. Демак, банк лойиҳани тўлиқ молиялаштирувчи бўлса, тадбиркор лойиҳани бевосита амалга оширувчи ҳисобланади.

Ислом банкларида амалга ошириладиган операцияларнинг мудораба тури мусулмон аҳоли ўртасида кенг тарқалган асосий хўжалик юритиши тамойилини ўзида акс эттиради. Муомаладан холи ёки бўш сармояга эга бўлган шахс уни ўзи хоҳлаган соҳага ёки бир пайтнинг ўзида турли соҳаларга йўналтириши мумкин. Бунда иккинчи тараф сармояни тасарруф этувчи, яъни лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ва бошқарув ишларига мутасадди шахс сифатида муомалага киришади.

**3. Муробаҳа**— тижорат операцияларини молиялаштириш. Ислом банклари опрецияларининг ушбу турида банк муайян тижорат операциясини молиялаштиради ва шартномада кўрсатилган фойдага эга бўлади. Бунда мижоз буюртмасига кўра товар банк томонидан харид қилинади. Сўнгра банк ушбу товарни шартномада кўрсатилган устама нарх билан мижозга сотади. Ушбу устама нарх банкнинг фойдаси ҳисобланади.

**4. Ижор**— Ижара операцияси. Банк операциясининг ижор турига асосан тадбиркор кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситасини банкдан ижарага олади. Ислом банкларининг ушбу операцияси бугунги кундаги анъанавий банкларнинг лизинг операцияларига ўхшаёт бўлиб, у банк ва тадбиркор ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

**5. Ижор ва иқтино**— сотиб олиш хуқуки бўлган ижара. Банк ва мижоз ўтрасида тузилган ушбу шартномага кўра, банк томонидан ижарага берилган кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситаси ижара муддати тугагач мижознинг мулкига айланади. Албатта, бунга қадар ижара объектининг келишилган нархи белгиланган муддат ичида тўлаб бўлинган бўлиши керак. Анъанавий банклар ҳам лизинг операцияларини амалга оширишда мижозга ижара муддати тугагач, сотиб олиш хукуқини беради.

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

**6. Закот**— Моли нисобга етган давлатманд мусулмонлардаги камбағаллар ҳақи.

Банк томонидан закотларни жамлаш учун Закот уйи ташкил этилади. Ўз навбатида банк Закот уйига тушган маблағларни камбағаллар турмуш аҳволини яхшилашга, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга ва бошқа жамоат манфаатидаги ишларга сафарбар қилади. Закот уйлари закот тўловчилардан ташқари барча турдаги хайрия ва эҳсонларни қабул қилиб, уларни аҳолининг муҳтоҷ қатламларига етказиш учун хизмат қилади.

**7. Ал-Қард ал-Ҳасан**— фоизсиз қарз.

Ислом банклари жисмоний ва юридик шахсларга маълум муддатга фоизсиз қарз бериши мумкин. Ушбу қарз асосан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун (масалан, завод, фабрика, йўл ва кўпприклар қуриш) учун ажратилади. Айрим ҳолларда, маълум объектив сабабларга кўра қарздор шахс ёки ташкилот олинган маблағни қайтара олмаса, банк уни закот фонди ҳисобидан қоплаб бериши мукин.

Шундай қилиб ислом банклари ўз мижозларига юқоридаги операцияларни амалга ошириш учун уч хил фоизсиз ҳисоб (счёт)ни таклиф қилади:

**1. Жорий ҳисоб.** Бу фоиз ставкаси қўйилмайдиган чек ва жамгарма ҳисоби бўлиб, бунда банк мижозлардан қўйилма ва депозитлар бўйича хизмат кўрсатгани учун муайян тўлов олишга ҳақлидир. Агар мамлакатда инфляция жараёни кузатилаётган бўлса, ҳисоб ракамидаги пул маблағларига индексация асосида муайян миқдордаги пул компенсация сифатида тўланади.

**2. Инвестицион ҳисоб.** Ушбу ҳисоб тури бўйича мижозлар турли операциялар воситасида ўз маблағларини истиқболли лойиҳаларга инвестиция қилишлари мумкин. Албатга, бунда фойда ва зарар, юқорида айтиб ўтилгандек, банк ва мижоз ўртасида шартномага кўра тақсимланади.

**3. Кредит ҳисоби.** Ислом банклари мазкур ҳисоб орқали талабгор тадбиркорларга ҳамда аҳолининг муҳтоҷ қатламларига фоизсиз қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз (кредит) беради.

Бунда давлатманд мусулмонлар ўз эҳтиёжларидан ҳоли бўлган бўш маблағларини банкнинг кредит ҳисобига қисқа ёки узоқ муддатли депозит сифатида қўядилар. Банк ушбу маблағларни келишилган муддатда тўлиғича қайташини кафолатлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ислом давлатлари банкларида ўзининг маълум жиҳатлари мавжуд эканлигини кузатишими мумкин. Яъни ислом тамойиллари асосида кредит бериш учун тижорат банклари берадиган ресурсни ҳам ислом тамойиллари асосида жалб қилиши лозим бўлади. Хусусан, тижорат банклари фоизга депозит жалб қилиб мижозларга ислом тамойили асосида кредит берса, банк мижозлари ушбу кредитдан фойдаланмаслиги мумкин. Чунки депозит жалб қилиш ислом тамойилига жавоб бермайди. Бу борада мамлакатимизда, энг аввало, ислом

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

молияси бўйича жамиятимизда молиявий саводхонликни ошириш борасида маълум ишларни амалга оширишимиз зарур.

## **Адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки” тўғрисидаги қонуни. 2019 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғриси”даги қонуни. 2019 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси “Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонуни. 2019 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Омонов А. Қоралиев Т. ”Пул ва банклар” Дарслик. 2018 й.
5. Ерназаров Н. Ганиева У. “Пул муомаласи ва кредит” Ўқув қўлланма. 2023 й.
6. Абдуллаева Ш. “Пул ва банклар” Ўқув қўлланма. 2018 й.
1. Суртаева О.С., Козлова Е.В., Боечко П.А. МЕСТО ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СТРАТЕГИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ ПРОМЫШЛЕННОГО ПРЕДПРИЯТИЯ // DIZWW. 2021. №8-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mesto-iskusstvennogo-intellekta-v-strategicheskom-protsesse-promyshlennogo-predpriatiya>.
2. Алиев А.Т., Суртаева О.С., Гранцева Т.Г. УПРАВЛЕНЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СТРАТЕГИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ ПРОМЫШЛЕННОГО ПРЕДПРИЯТИЯ // Инновации и инвестиции. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/upravlencheskiy-potentsial-iskusstvennogo-intellekta-v-strategicheskom-protsesse-promyshlennogo-predpriatiya>.
3. Смоленцева Л.В., Долгов А.С. ПРИМЕНЕНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В БУХГАЛТЕРСКОМ УЧЕТЕ // ВЕСТНИК УНИВЕРСИТЕТА УПРАВЛЕНИЯ «ТИСБИ». 2022. №1 URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=48271969>.
4. Самадова Н.Р. Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳияти тушунчаси ва унинг назарий асослари. // Бизнес эксперт (илмий-амалий журнал). – Тошкент, - №4. 2021. – 87-91 б. (08.00.00; №4)
5. Самадова Н.Р. Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилиниг амалий жиҳатлари // Scientific Journal of “International Finance & Accounting” 3/2023.
6. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2023). DIGITAL ECONOMY AND CHANGES IN BUSINESS ANALYSIS. International Journal of Research in Finance and Marketing (IJRJM), 13(12), 47-52. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRFM4Dec2023-Uzb.pdf>
7. Ibragimov Gayratjon Artikovich, Kurbanbaev Jurabek Eruvbayevich, Mukhiddinova Barno Gafurjanovna. (2019). The main differences between IFRS and NSA. International Finance and Accounting, 3(13), 1-12. Retrieved from <https://core.ac.uk/download/pdf/285998049.pdf>
8. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
9. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2023). DIGITALIZATION OF THE ECONOMY AND OPERATIONAL SAFETY. International Journal of Research in Economics and Social Sciences(IJRESS), 13 (11), 95-101. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRESS10-Nov2023-Uzb.pdf>
10. Қличев Баҳтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrf/article/view/2718>

11. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). EKSPORT-IMPORT OPERATSIYALAR HISOBI NAZORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO'NALISHLARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 215–222. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrf/article/view/3034>

12. Gayratjon Ibragimov. (2024). TIJORAT BANKLARIDA MBMB TIZIMINI JORIY ETISH MASALALARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 223–230. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrf/article/view/3035>

13. Қличев Баҳтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrf/article/view/2557>

14. Пардаевич, Қ. Б. (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting"*, (2), 2181-1016.

15. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). MUQOBIL IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR . World Scientific Research Journal, 23(2), 231–238. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrf/article/view/3036>

16. Тулаев, М. С., & Қличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИЙ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).

17. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). BIZNES JARAYONLARNI OPTIMALLASHTIRISH YO'NALISHLARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 239–246. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrf/article/view/3037>

18. Қличев Баҳтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 182–188. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrf/article/view/2876>

19. У.А. Нурманов. (2024). ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 26(3), 140–147. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrf/article/view/3257>